

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да  
амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

*(2018 йил 30 июль ҳолатига)*

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>1.2. Давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш</b>						
1.	11. Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув кадрлари салоҳиятини баҳолашнинг янги усулларини жорий қилиш	2018 йил 30 октябрь	Давлат бошқаруви академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	Мазкур банд ижроси бўйича тегишли идоралар томонидан бошқарув кадрларини “Assessment-centre” услуги асосида баҳолаш амалиёти жорий этилиши билан Давлат статистика қўмитаси белгиланган вазифалар бўйича иш олиб боради.
2.	15. Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари тизимлаштирилишини назарда тутувчи Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш	2018 йил 1 март	Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 майдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 120-сонли қарорига биноан, 2017 йил апрель ойида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда Давлат статистика қўмитасининг давлат хизматлари хатловдан ўтказилди ва яна қўшимча 17 та хизматлар аниқланди.

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>Бугунги кунда барча 23 та хизматлар Давлат хизматлари, шакллари ва бланклари ягона реестри маълумотлар базасига киритилган.</p> <p>Давлат хизматларини кўрсатиш регламенти қайта кўриб чиқилмоқда.</p>
3.	28. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида “Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш	2018 йил 20 октябрь	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, ДСҚ, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси	-	-	Ушбу конун лойиҳаси Давлат статистика қўмитасига келиб тушгандан сўнг, кўриб чиқилади.
<b>1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш</b>						
4.	38. Аҳолини рўйхатга олиш концепциясини тайёрлаш	2018 йил 1 май	Давлат статистика қўмитаси, ИИВ, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги	-	-	<p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 24 январдаги 01/4-12-17/2-24-сон хати Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига Концепция лойиҳаси таклифлар ва ишчи гуруҳга номзодлар такдим этиш учун юборилди.</p> <p>Вазирликлардан жавоб хатлари олиниб, ишчи гуруҳ таркиби тузилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 февралдаги 01/1-12-17/1-54-сон хати билан Бош вазир ўринбосари номига ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш учун киритилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан Аҳолини рўйхатга олиш</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>тадбири Концепция лойихаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 мартдаги 01/4-12-17/2-80-сон хати ишчи гуруҳи аъзоларига, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига юборилди.</p> <p>Шу билан бирга, қўмита томонидан 01/4-12-17/2-81-сон хат билан бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга ушбу тайёрланган Концепция лойихасини кўриб чиқиш, таклифлар тақдим этиш учун юборилди.</p> <p>Тегинли вазирликлар ва идоралардан таклифлар йиғилиб белгиланган тартибда умумлаштирилди.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш Концепция лойихаси яқунланди ва ушбу Концепция лойихасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойихаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 13 апрелдаги 01/2-12-17/2-99-сон хати ишчи гуруҳи аъзолари – Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига ҳамда 01/2-12-17/2-100-сон хати бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга тайёрланган Концепция лойихасини келишиш учун юборилди.</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 17 апрелдаги 01/3-12-17/2-104-сон хати ишчи гуруҳи аъзолари – Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигига ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идораларга келишилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ва Концепция лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларидан имзо олиш учун юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ва Концепция лойиҳаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилди.</p> <p>Кўмитанинг 2018 йил 26 апрелдаги 01/2-12-17/2-118-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси Адлия вазирлигига юборилди.</p> <p>Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 01/1-12-17/1-126-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>
5.	41. Давлат бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлашнинг қўшимча механизмларини жорий этиш	2018 йил 20 сентябрь	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (келишув асосида), Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги,	-	-	Кўмитанинг 2018 йил учун таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизларни тайёрлаш ва эълон қилиб бориш режа-графи ишлаб чиқилиб, 12 январда 01/1-01-26-6-сон билан тасдиқланди.

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
			<p>Матбуот ва ахборот агентлиги,  Адлия вазирлиги,  Иқтисодиёт вазирлиги,  Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  вазирлик ва идоралар</p>			<p>График асосида таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрланиб, Қўмитанинг расмий веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.</p> <p>2018 йилнинг 30 июль ҳолатига, 2017 йилнинг сўнги 5 оyi ва 2018 йилнинг ўтган даври учун жами 201 та, шундан 36 та чорак докладлари, 36 та таҳлиллар, 24 та экспресс маълумотлар ва 105 та пресс-релизлар эълон қилинди.</p> <p>Пресс-релизларнинг 48 таси ойлик, 36 таси чораклик ва 21 таси йиллик кўринишида тайёрланган.</p> <p>Барча тайёрланган ва эълон қилинган таҳлилий маълумот ва пресс-релизлар мунтазам равишда «Ўзбекистон», «Узрeпорт», «Тошкент» ва «Ўзбекистон-24» телеканалда роликлар кўринишида намоиш этиб борилмоқда.</p> <p>2018 йилнинг 28 январь куни «Ўзбекистон-24» телеканалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3165-сон қарори ижроси, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар хусусида телемулоқот ўтказилди.</p> <p>2018 йилнинг 29 март куни Миллий матбуот марказида «Давлат статистика қўмитаси тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3165-сон қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, эришилган</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>натижалари ва истикболдаги режалар” мавзумида ОАВ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.</p> <p>2018 йил 23 май куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Миллий статистика тизими, ислохотлар, натижалар ва келгусидаги вазифалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.</p>
<b>II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>2.3. Маъмурий, жиноят ва фуқаролик процессуалқонунчиликни такомиллаштириш</b>						
6.	64. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш	2018 йил 1 ноябрь	Бош прокуратура, ИИВ, МХХ, ДБК, ДСК, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	-	-	<p>Қўмитанинг 2017 йил 21 февралдаги 9-сон буйруғи билан “2017-2018 йиллар мобайнида Давлат статистика қўмитаси тизимида коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” тасдиқланган.</p> <p>Идоралараро комиссия муҳокамалари баёнлари ижросини таъминлаш борасида тизимли равишда қўмитанинг идоравий комиссияси йиғилишлари ўтказилмоқда ва вазифалар ижроси юзасидан назорат режалари тасдиқланиб, ҳар бир банди ижроси белгиланган муддатларда бажариб келинмоқда.</p> <p>Қўмитанинг 2017 йил 29 августдаги 71-сон буйруғи билан идоравий комиссиянинг янги таркиби тасдиқланган.</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>Коррупцияга қарши курашиш юзасидан кенг камровли тушунтириш ишлари, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Мисол тариқасида, 2017 йилнинг 14 декабрида тизимда одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиш юзасидан, 1 ноябрда семинар ташкил этилди. Идоравий комиссия йиғилишлари, семинар ва тадбирларига прокуратура ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари таклиф этилмоқда ҳамда кенг ёритиб бориш мақсадида, ОАВ вакиллари иштироки таъминланмоқда.</p> <p>Жумладан, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида Андижон, Фарғона ва Наманган, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Новий ва Жиззах вилоятлари статистика бошқармаларида “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий билимларини ошириш” бўйича семинар ҳамда “Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга меъёрий ҳужжатларнинг</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>мазмунини ва аҳамиятини чуқур етказиш” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.</p> <p>2017 йил давомида 500 та тарқатма материаллар, хусусан стол усти планерлари тайёрланиб, тизим бўйича тарқатилган.</p> <p>Мунтазам равишда қўмитанинг расмий веб-сайтида коррупцияга қарши курашиш борасида сўровлар ўтказиб келинмоқда. 2017 йилда сўров сентябр ойида ўтказилган ва натижалари октябр ойида бўлиб ўтган идоровий комиссия йиғилишида муҳокама қилинган.</p> <p>Дастурга мувофиқ навбатдаги сўровни 2018 йилнинг сентябрь ойида ўтказиш режалаштирилган.</p>
<b>III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ</b>						
<b>3.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш</b>						
7.	81. Илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва “ақлли” технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш	2018 йил 1 июль	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги,</p> <p>Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги,</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги,</p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси,</p> <p>Ташқи савдо вазирлиги,</p> <p>Давлат статистика қўмитаси,</p> <p>Энергия тежаш миллий компанияси,</p> <p>вазирлик ва идоралар,</p> <p>хўжалик бошқарув органлари</p>	-	<p>Бюджет маблағлари,</p> <p>инвестициялар,</p> <p>кредитлар,</p> <p>грантлар ва бошқа маблағлар</p>	<p>Инновацион ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 05-11/2169-сонли хати билан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди.</p> <p>Тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан Қўмитанинг 2018 йил 20 июндаги 01/2-04-14-171-сонли хати билан Инновацион ривожлантириш вазирлигига мурожаат қилинди.</p>



Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
			<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ,          Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти,          Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти,          вазирлик ва идоралар</p>			<p>Давлатлар рейтингини тузувчи халқаро агентликлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Республикадаги вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари сўровлари асосида тегишли бўлган зарур статистик маълумотлар тақдим этиб келинмоқда.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 февралдаги 81-сон қарор билан тасдиқланган “2018 йил учун давлат статистика ишлари дастури”га мувофиқ, 2018 йилда 24 та халқаро ташкилот, молия ва статистика институтлари билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сонли қарори билан тасдиқланган 1-Илованинг 27-банди ва Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 74-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, бошқа давлатларнинг миллий статистика идоралари ва халқаро ташкилотлар томонидан чоп этилган статистик тўпламларининг таркиби ўрганиб чиқилди ҳамда раҳбарият томонидан тасдиқланган очиқ маълумотлар рўйхатига мувофиқ Қўмита томонидан чоп этиладиган статистик тўпламлар, ахборотномалар, докладларга</p>

Т/р	Давлат дастурида белгиланган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган ишлар
						<p>қўшимча маълумотлар ва тегишли ўзгартиришлар киритилди.</p> <p>Шунингдек, Қўмитанинг очик маълумотлар рўйхатини кенгайтириш мақсадида, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк томонидан юборилган таклифлари умумлаштирилди. Шунга мувофиқ, Молия вазирлигининг таклифлари 2017 йилда чоп этилган статистик тўпламларда инобатга олинди. Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг таклиф ва қўшимчалари 2018 йилда шакллантириладиган статистик тўпламларда инобатга олинishi кўзда тутилган.</p> <p>Ҳозирда, ойлик даврийликда иқтисодиёт соҳалари бўйича умумлаштириладиган таҳлилий маълумотлар (пресс-релизлар) ҳамда чораклик даврийликда шакллантириладиган “Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси” нашри доимий равишда Қўмита расмий веб-сайтида жойлаштириб борилмоқда.</p> <p>Шунингдек, 2018 йил бошидан ойлик даврийликда “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” ойлик нашри (брошюраси) ишлаб чиқилиши ва доимий равишда Қўмита расмий веб-сайтида жойлаштириб борилиши йўлга қўйилди.</p>